КЎПНИНГ ҲАҚИ

...мудира услубчиси билан ота-оналар томонидан топширилган жами 2 млн. 751 минг 425 сўм бадал пул маблағларидан 2 млн. 398 минг 15 сўмини ноқонуний ўзлаштиришди. 2 бет

«КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?»

Эр-хотин иккаласи олма, мандарин каби мевалар сотиб ўтиради. Айтишларича улар бир пайтлар касалхоналардан бирида ишлашган. Бири невропатолог, иккинчиси тери-таносил касалликлари бўйича мутахассис бўлган. 3 бет

МУТОЛАА ЭРТАКДАН БОШЛАНАДИ

...куну тун «Game club»ларда компьютер ўйинларига муккасидан кетган, кўча-кўйда кулоғига радиоплейернинг симини тиқиб, ўзини «замонавий» ҳисоблаётган ёшлар билан буюк келажакка эришиб бўлармикан? 9 бет

МАНМАНСИРАШНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТИ

Акам менга яхшилик қилмоқчи бўлиб, ичкиликбозликдан қайтаришга кўп уринди. ...унинг насиҳатлари оғир ботиб, ёмон кўриб қолибман. Ўзимни билмайдиган даражада мастликда шу ишни қилиб қўйдим 10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 24-yanvar, № 04 (577)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

ХАБАР

Фахрийлар билан учрашув

22 январь куни Республика Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчилари ва прокуратура фахрийларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда прокуратура фахрийларидан Рустам Муҳамедов, Абдулла Давлетов, Прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Ботир Калонов, марказ раиси ўринбосари Маркс Шарофиддиновлар иштирок этишди.

Б.Калонов учрашувни кириш сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди:

— Ҳар қандай даврда, ҳар қандай соҳада ҳам фахрийлар, кўп йиллик тажрибага эга инсонларга эҳтиром кўрсатиб келинган. Бу бир томондан уларнинг фидокорона меҳнатлари эътирофи бўлса, бошқа томондан ёшларни касбга, юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Кўп йиллик меҳнатлари билан соҳада ном қолдирган прокуратура фахрийлари ва бугун прокуратура органларида фаолият юритиб келаётган, айни пайтда Олий ўқув курсларида малака ошираётган прокурор-тергов ходимлари ўртасидаги учрашувдан кўзланган мақсад, икки авлод ўртасида фикр алмашиш, тажрибалари билан ўртоқлашишдан иборатдир. Менимча, бундай учрашув ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади.

Шундан сўнг, сўзга чиққан Р.Муҳамедов ва А.Давлетовлар ўз ҳаёт йўллари, меҳнат тажрибалари ҳақида ҳикоя қилиш баробарида касбга, Ватанга садоқат хусусидаги ўз қарашларини билдириб ўтишди. Улар ўз сўзларининг якунида тингловчиларга меҳнат фаолиятларида омадлар тилаб қолишди.

Учрашув тингловчиларда катта таассурот қолдиргани, шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз

ЭЪЗОЗ

Қариси бор уйнинг...

Хоҳлайдими, йўқми, ҳамма ҳам кексаяди. Бир пайтлар чарчаш нималигини билмай, куч-ғайрати танасига сиғмай ишлаб юрган давр ҳам ортда қолади. Энди бир замонлардагидек елиб-югурмайди, устозларининг корига ҳам ярамайди. Негаки, энди ўзи устоз, бир оғиз панд-насиҳатига маҳтал ўнлаб шогирдлари бор. Уйида эса фарзандлари, ширинда-шакар невараларининг қадрли кишисига айланган. Мана шунинг ўзи катта бахт эмасми?

Республика Бош прокуратурасида ҳам ҳуқуқ-тартибот тизимида узоқ вақт меҳнат қилган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган, ўзининг узоқ йиллик иш тажрибалари билан ёшларга ўрнак бўлаётган ана шундай бахтли инсонлар, пири бадавлат меҳнат фахрийлари кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг айримлари ҳозирда ҳам ўз соҳаларида меҳнат қилаётган бўлса, кўпчилиги нафақага чиқиб қарилик гаштини суришмоқда.

Ўтган 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида юртимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Ёлғиз кексалар, ёрдамга муҳтожлар, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар ҳолидан хабар олинди ва уларга беғараз ёрдам кўрсатилди. Республика Бош прокуратураси фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази томонидан эса Ижтимоий ҳимоя йилида махсус режа ишлаб чиқилиб, тизимда фаолият кўрсатган фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилганди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган йил мобайнида бу тадбирлар тўлиқ бажарилиб, кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Мазкур тадбирларда прокуратура фахрийларини эъзозлаш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, лозим бўлса шифохоналарга ётқизиш, сиҳатгоҳларга жойлаштириш, моддий ва маънавий қувватлаш назарда тутилганди. Бу эзгу ишларнинг бажарилиши Бош прокуратура раҳбариятининг доимий диққат марказида бўлди.

Нафақага чиққан ҳар қандай ходимнинг ўз жамоасидан, иш жойидан кўнгил узиб кетиши жуда қийин бўлади. Уйида, оила аъзолари даврасида бахтли ўтирса-да, бир пайтлар меҳнат қилган иш жойини, жамоасини соғинаверади. Ўшандай пайтлари бир оғиз улар ҳолидан хабар олиб қўйилса ёки қувончли кунларида ёнида ёнма-ён турилса, улардан бахтли инсон топилмайди назаримизда.

Шуни назарга олган ҳолда прокуратура органларидан нафақага чиққан 39 нафар фахрийларнинг табаррук ёшга тўлишлари муносабати билан Бош прокуратура ва марказ номидан улар иститқомат қилаётган жойларга бориб табриклаб келиниши таъминланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси, сенатор Э.Боқибоев ва биринчи ўринбосари Ш.Усмоновлар билан ҳамкорликда II жаҳон уруши қатнашчилари Р.Муҳамедов ва Э.Ҳакимовларнинг 85 ёши муносиб нишонланди. Бош прокуратура муассислигида чоп этилаётган «Huquq» газетасида эса фахрийлар фаолиятига оид кўплаб мақола ва очерклар бериб борилди.

Юртимизда байрамлар кўп. Ҳар бир байрам ташкилотларда, меҳнат жамоаларида кенг нишонланади. Ўша маросимларга фахрийларнинг таклиф қилиниши, эътибордан четда қолмаслиги уларнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборади. Дилларига олам-олам қувонч бахш этади. Шунинг учун ҳар бир байрамда прокуратура фахрийларининг иштироки таъминланиб, раҳбарият томонидан совға-саломлар улашилади.

Ҳамма байрамлар ичида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни фахрийлар ёдида бир умр эсда қоладиган байрам саналади.

(Давоми 4-бетда).

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрь ва 1 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. 2007 йилнинг 13 декабрида ана шу қонунлардан бири — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни матбуотда расман эълон қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125, 179, 245, 248, 287, 291-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва ушбу Кодекс 128^2-модда билан тўлдирилди.

Ушбу қонуннинг биринчи бандига асосан давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулда ўзгартирилган транспорт воситаларини, шунингдек давлат рақам белгиси айни шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқарганлик учун энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш жазосини назарда тутувчи маъмурий жавобгарлик белгиланди. Таъкидлаш жоизки, олдин Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида давлат рақам белгиси айни шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқарганлик учун жавобгарлик белгиланмаган эди. Бунинг оқибатда кейинги йилларда бу борадаги ҳуқуқбузарликлар сонининг сезиларли равишда ортиб бораётганлиги кузатилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, биргина йилнинг биринчи ярмида шу каби ҳуқуқбузарликлар сони ўтган йил шу давр билан солиштирганда 3,4 фоизга ошган. Бундай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликнинг белгиланганлиги, энг аввало, ушбу қилмишларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 октябрдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситасини бошқариш пайтида салоннинг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиш, шунингдек транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан теле-, видеомонитор ўрнатиш тақиқланди. Бундан келиб чиқиб, мазкур қонуннинг иккинчи бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланганлик ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатганлик учун жавобгарликни белгиловчи 128^2-модда билан тўлдирилди. Ушбу модданинг биринчи қисмига кўра, транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Модданинг иккинчи қисмига асосан транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатганлик учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солиш тариқасидаги жазо белгиланди. Башарти, юқорида таъкидлаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, бундай қилмишлар учун энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатта маҳрум этиш жазоси қўлланиши белгиланди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кейинги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўрилаётган чоралар, хусусан, транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланганлик ва хавфсизлик камарини тақмаганлик учун жавобгарликнинг ўрнатилганлиги ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида йўл-транспорт ҳодисаларининг 1,1 фоизга ва уларда жароҳатланганларнинг 2,5 фоизга камайишига эришилган. Лекин шунга қарамасдан ҳайдовчилар айби билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 фоизга ошган.

(Давоми 4-бетда).

Қиш ҳам бир синов

Қиш фасли ўзининг қорли кунлари билан файзли ва завқли. Аммо қиш «ҳаддидан ошиб», кунлар анча совуқ кетса, бу файз ва завқ ҳам кўзга кўринмай қолар экан. Бугун Европанинг бир қатор давлатларида, ҳатто умрида қор нималигини билмаган Араб давлатларида ҳам қиш ўзлигини намоён қилмоқда. Юртимизда ҳам кейинги кунларда об-ҳавонинг кескин пасайиб кетиши жойларда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бироқ қиш келса кўраверамиз, деб юрган баъзи бир мутасадди раҳбарлар энди фасл қутилганидан ҳам совуқроқ келди, дея баҳона қидирмоқда. Баҳона билан эса турар-жой, муассасаларни иситиб бўлмайди.

Президентимизнинг «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси Андижон вилоятида қандай кечаётгани вилоят прокуратураси органлари томонидан текшириб чиқилди. Олиб борилган назорат тадбирларида табиий газ, электр ва ичимлик суви тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш, табиий газ истеъмолида қўлбола усулда тайёрланган сўрғичлардан фойдаланиш, коммунал хизматлар учун тўланган маблағларни ўзлаштириш ҳолатлари аниқланиб, прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Эътиборли томони шундаки, қишки тайёргарлик масалаларига мутасадди идоралари имкон даражасида тайёргарлик кўришган. Вилоятдаги мавжуд 11 та махсус тарбия, 747 та умумтаълим ва 577 та мактабгача тарбия муассасаларида иситиш тармоқларининг созлиги, иссиқлик таъминотининг узлуксизлиги, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши таъминланмоқда.

Мазкур муассасаларга ҳукумат ёрдами ҳамда вилоят ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият идораларининг саъй-ҳаракати билан керакли кўмир ва суюқ ёқилғи етказиб берилган. Вилоят прокуратураси органлари томонидан жойлардаги таълим-тарбия масканларининг иссиқлик билан таъминланганлиги ўрганилганида, афсуски айрим мактабларнинг нопок ходимлари мактаб учун олиб келинган кўмирни талон-торож қилишгани аниқланди. Жумладан, Асака туман молия бўлимининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими мутасадди раҳбарлари ажратилган 2000 тонна кўмирнинг 1913 тоннасини 84 та таълим масканларига тақсимлаган. Қолган умумий қиймати 2 млн. сўмдан зиёд 87 тонна кўмир эса ўзлаштириш йўли билан растрата қилинган.

Шунингдек, Избоскан туманидаги 32-умумтаълим мактабида 7 тонна, 42-умумтаълим мактабида 10 тонна, 44-умумтаълим мактабида 9,8 тонна кўмир хўжалик ишлари бўйича мудирлар А.Сайдуллаев, М.Эшматов ва К.Жўраевнинг нопокликлари туфайли мактабларга етиб бормаган. Худди шундай ҳолат Бўз, Жалолқудуқ, Марҳамат, Қўрғонтепа туманларида ҳам аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

Мактабга ажратилган кўмирни бировларга сотиб, жиғилдонига урган кимсаларни ким деб аташ мумкин?! Ана шу инсонларнинг фарзандлари ҳам мактабларда таҳсил олишади-ку! Наҳотки, ҳаром пул ўз фарзандининг соғлиғидан ҳам қиммат бўлса?!

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Ҳуқуқ ва имконият

Арнасой туман прокурори Дилшод БОЙНАЗАРОВ билан суҳбат

— Дилшод Сувонқулович, мана, 2007 йил ҳам тарихга айланди. Ўтган йилнинг таҳлили ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўтган йилдан ҳаммамиз хурсандмиз. Энг асосийси, юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурди. Халқимиз учун бундан катта бойликнинг ўзи йўқ. Қилинган ишлар ҳақида тўхталадиган бўлсам, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 26 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра 29 та тақдимнома киритилди. Ноқонуний қабул қилинган 47 та қарорга протест келтирилиб, 126 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 50 нафар шахсга нисбатан интизомий, 117 нафар шахсга маъмурий ҳамда 12 нафар шахсга нисбатан моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Аниқланган жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 7 та жиноят иши қўзғатилди. 101 та 24 млн. 763 минг сўмлик даъво аризалари киритилди. Етказилган 5 млн. 335,5 минг сўм зарар ихтиёрий ундирилди.

— Шу ўринда нақд пулнинг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш борасида ўтказилган текширишларга тўхталиб ўтсангиз?

— Туман прокуратураси томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига чек қўйиш юзасидан ўтказилган текширишда хусусий тадбиркор Машҳура Тўраева акаси — «Феникс» хусусий фирмаси брокери Мақсуд Тўраев билан жиноий тил бириктириб, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун олинган 24,7 тонна унни номаълум шахсларга сотиб юборганлиги ошкор бўлди. Бу ҳам етмаганидек, 5 млн. 595 минг сўм нақд пулни банкка топширмай, яна бир ҳуқуқбузарликка йўл қўйган. Аниқланган ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар судда қонуний жазосини олди.

— Арнасой тумани аграр соҳага ихтисослашган. Шундай экан, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда салмоқли ўринни эгаллайди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Ўтказилган текширишларда асосий эътибор қишлоқ хўжалик техникалари, сув ва гидротехника иншоотларидан оқилона фойдаланишга қаратилиб, фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминлаб борилди.

Афсуски, ўтказилган мониторинг текширувида бир қатор нуқсонлар ҳам аниқланди. Маълумки, экин экиш, уларга ишлов бериш ҳамда бошқа механизмларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш учун эҳтиёт қисмлар заҳираси яратилиши лозим. Бироқ бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги натижасида мавжуд 22 та юқори унумли «Магнум» русумли ҳайдов тракторлари имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаган. Улардан атиги 10 таси жорий таъмирдан чиқарилган холос.

Текшириш натижасига кўра қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида туман ҳокимига тақдимнома киритилди. Туман МТП АЖ раҳбари Д.Файзиев, «Олтинқум», «Оби ҳаёт», «Илғор», «Сойиҳаёт», «Бирлик» фермер хўжаликлари раҳбарлари қонунбузилишга йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди.

Туман прокуратураси томонидан «Хоразм» сувдан фойдаланувчилар уюшмасида қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерларнинг мақсадли фойдаланиши ўрганилганда эса «Ахат Молгузар тоғидан» фермер хўжалиги раиси Ў.Холматов 2007 йилда 45 гектар майдонга пахта экиб, тегишли статистик ҳисобот-ларни топширган бўлса-да, пахта экилган майдоннинг 5 гектарини бузиб ташлагани аниқланди. Фермер бу ерга полиз экинларини экиб, давлат манфаатига 3 млн. 805 минг сўм зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан фермер хўжалиги раиси Ў.Холматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айблов хулосаси туман судига юборилди.

Шунингдек, туманнинг МТП ҳиссадорлик жамиятида шудгорлаш ишларига жалб этиладиган техника воситаларининг тайёргарлиги ҳамда эҳтиёт қисмлар заҳирасининг тўлиқлиги юзасидан текшириш ўтказилганида «Магнум» ер ҳайдов тракторлари механиги вазифасида ишлаб келган Ғулом Бобоев ўзининг ихтиёрида бўлган 279 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилганлиги аниқланган.

Суҳбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Оғуфурушлар қўлга олинди

Суд залидаги қора курсиларда тўрт нафар йигит ўтирибди. Афтидан бари пушаймонда. Улар гиёҳвандлик моддалари сотишда айбланмоқда. Ўйга толасан киши, нега улар бу йўлга киришди, қилмишлари оқибати ҳақида нега эртароқ ўйлашмади?

Айбланувчилардан бири Ортиқ Тангриев терговда шундай кўрсатма берди: «2006 йил апрелида Қоракўл деҳқон бозоридан пиёз уруғи сотиб олдим. Улар орасида «каннабис» уруғи ҳам бор экан. Бўёқдан бўшаган қутига тупроқ солиб, ўша уруғни экдим. Кейин униб чиққан «каннабис»ни томорқадаги маккажўхори орасига кўчириб ўтқаздим.

Ортиқ Тангриев бунинг жиноят эканлигини англаган ҳолда қилган, албатта. Келгусида мўмай даромадни кўзлаган оғуфуруш кейинчалик пишиб етилган каннабисни қуритиб, гугурт қутиларига қадоқлаб яшириб қўяди. Кўп ўтмай таниши Шавкат Хўжақулов билан учрашиб «мол»ни пуллашга келишади. 50 дона гугурт қутисидаги ажал уруғи 300 минг сўмга баҳоланади.

Шавкат ҳам устамонлардан эди. Бу нархга яна 50 минг қўшиб, яъни, 350 минг сўмга «товар»ни чаткашлик Равшан Низомовга сотди. Равшан гиёҳвандлик воситасидан истеъмол қилиб турарди. У ўзи чекканидан қолган 44 дона гугурт қутисидаги оғуни укаси Мавлонбекка бериб: «Шокир исмли киши мени сўраб келади. Буни ўшанга бериб қўй», дейди.

Мавлонбек акасидан олган 138 грамм марихуанани Қоракўл темир йўл бекатида Шокир исмли шахсга бераётган вақтда тезкор тадбир ўтказаётган ходимлар томонидан қўлга олинди.

Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан Ортиқ Тангриев 6 йилга, Шавкат Хўжақулов, Равшан ва Мавлонбек Низомовлар 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Инсоният бошига қора кунлар солаётган гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб борилаётганига қарамай оғуфурушлар сони камаймаяпти. Қўлга олинганлар аҳволи ночорлигини, ишсизлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини айтиб, енгилроқ жазо берилишини сўрашади. Бироқ, ўзлари тарқатаётган «оғу» қанчадан-қанча оилаларга бахтсизлик келтиришини, ўша одамларнинг ҳам бегуноҳ болалари, фарзанд доғида куяётган ота-оналари борлигини ўйлаб кўришмайди!

Ёки ноқонуний ўсимлик экиб, парваришлаб, сотишга тайёрловчилар, ўтказувчиларнинг яқинлари, кўни-кўшнилари уларнинг қилмишларини сезишмасмиди? Афсуски, бу иллат ҳамиша ўзига шароит излайди. Ана шундан огоҳ бўлишимиз даркор.

Алишер ОЛИМОВ,
Бухоро транспорт прокурори ёрдамчиси

Қонликўллик қонунбузарлар

Бугунги раҳбар қандай бўлиши керак? Бу саволга ҳар кимнинг ўз жавоби бўлиши табиий. Тўғриси, бугунги раҳбар ишнинг кўзини биладиган талбиркор бўлганига нима етсин. Давр шуни талаб қилади. «Олма пиш, оғзимга туш», деган замонлар ўтиб кетди. Корхона бошлиғи нўноқ бўлса нафақат ўзи, балки унинг жамоаси ҳам жабр кўради. Бунга туманимиздаги Қонликўл автокорхонаси масъулияти чекланган жамият раҳбари Марат Мамбетаминовнинг фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади. Унинг лоқайдлиги туфайли жамиятда дебитор қарздорлик 79 млн. 572 минг сўмни ташкил этди. Лекин раҳбар бу муаммони ҳал этишни ўйлаб ҳам кўрмади. Оқибатда корхонада иш кун сайин орқага кета бошлади. Нега ундай бўлди? Ана шу саволга жавоб қидирган Департаментнинг Қонликўл туман бўлими ходимлари корхонанинг фаолиятини таҳлил қилганда, жамият 43 млн. 885,6 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўламай келганлиги маълум бўлди.

Энг ачинарлиси, корхона иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган бўлса-да, жамоанинг ҳеч бир аъзоси буни ўйлаб кўрмаган. Бунда раҳбар бошқаларга «ўрнак бўлиб», жамият ходими К.Турдимуродовнинг номига ишонч қоғози орқали олинган баҳоси 692 минг сўмлик 4 дона аккумуляторни корхонага етиб келмасданоқ пулга айлантирган.

Ушбу ҳолат юзасидан МЧЖнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Корхонанинг фаолияти солиқ инспекцияси томонидан қайтадан таҳлил қилиб чиқилди. Тергов давомида корхона раҳбари М.Мамбетаминов томонидан корхонага етказилган 787 минг сўмлик моддий зарар ундирилди. Суд томонидан МЧЖ раҳбари М.Мамбетаминов ва бош ҳисобчи Т.Айтмуродов қилмишига яраша жазога тортилди. Аниқланган 28 млн. 552,7 минг сўм қўшимча солиқ ва пеня давлат бюджетига ундирилиши таъминланди.

Зафар САБУРОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қонликўл туман бўлими инспектори

Юртимизда келажагимиз бўлмиш ёшларга бўлган эътиборнинг кучайганлиги айни ҳақиқатдир. Буни 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганидан ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг билан бирга мустақиллик йилларида таълим соҳаси тубдан ислоҳ этилди. Буларнинг барчаси ижобий натижаларни бериб келяпти. Лекин яратилаётган имкониятларга сунъий бўлса-да тўғонок бўлаётганлар ҳам учраб турибди.

Кўпнинг ҳаки

Олий маълумотли Хосиятхон Бўстонова (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳамда Лобархон Омоноваларни нима бўлди-ю, шайтон йўлдан урди. Улар ўзлари раҳбарлик қилиб келаётган Фарғона шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача таълим муассасасига даромад манбаи сифатида қарашди. Х.Бўстонова муассасага жавобгар шахс, мудира бўлган ҳолда услубчиси бўлиб ишловчи Л.Омонова билан 2007 йилнинг 1 январдан сентябрь ойигача бўлган давр мобайнида ота-оналар томонидан топширилган жами 2 млн. 751 минг 425 сўм бадал пул маблағларидан 2 млн. 398 минг 15 сўмини ноқонуний ўзлаштиришди. Бунда улар муассасада таъмирлаш ишлари бажарилганлигини сабаб қилиб кўрсатишганди. Ҳақиқатда эса бундай ишлар умуман амалга оширилмаганди. Шунинг учун бюджет маблағларини талон-торож қилган Х.Бўстонова ва Л.Омоноваларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Мазкур иш Фарғона шаҳар судида атрофлича кўрилди. Жиноятчиларга Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия тўғрисидаги қарори қўлланиб, биринчи маротаба жиноят содир этганлиги инобатга олиниб, уларга нисбатан очилган жиноят иши ҳаракатдан тугатилди. Кўпчиликнинг ҳақини еб, бюджет пулларини талон-торож қилишга ҳаракат қилган «қаҳрамон»ларимиз давлатимиз томонидан берилган имкониятдан энди тегишли хулоса чиқарадилар, деган умиддамиз.

Дилшод АҲМЕДОВ,
Фарғона шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси

«Ким бўлсам экан?»

ёхуд касб танлашга муносабат

Ёши каттароқ авлод орасида болалигида «ким бўлмоқчиман» мавзусида иншо ёзмаган киши камдан-кам учрайди. Муаллимларимиз қайси касбни танлашимиздан қатъи назар бунинг учун ўқиш шартлигини тинмай уқтиришарди. Ҳатто шу ҳақида шеърлар ҳам ёдлатиларди. Шулардан биттасининг мазмуни тахминан қуйидагича эди:

Бўлай десанг боғбон,
Ё Ватанга посбон,
Ё осмонда учувчи,
Ё денгизда сузувчи,
Нимаики қилма тилак,
Барига ўқиш керак!..

Мана шу руҳда тарбияланган эмасмизми, ўқидик, билим олишга ҳаракат қилдик. Кўпларимиз олий маълумотли бўлиб, билимимизга яраша бирон касбни эгалладик. Касбимиз орқали обрў қозондик, таниш орттирдик. Қолаверса, рўзғоримизни тебратиб келмоқдамиз. Лекин олий маълумотни ололмаганлар ёки хоҳламаганлар ҳам бирон ҳунарнинг этагини тутиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетганига гувоҳмиз.

Қишлоқларда врачлик пунктлари пайдо бўлди. Шаҳарларда хусусий клиникалар ривожланди. Вилоят марказларида ихтисослашган касалхоналарнинг кучайиши оқибатида рақобат авж олиб кетди. Биз ишлайдиган касалхонага касаллар кам келадиган бўлиб қолди. Топиш-тутишимизнинг баракаси қочди. Шу орада ўғлимиз оғир хасталикка чалиниб қолди. Бир йилга яқин югур-югурлар, муолажалар натижа бермади... У кунларни эслаш оғир. Даволанишни харажатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таъма кўзи билан қарайдиган врачлар туфайли бошдан-оёқ қарзга ботиб қолдик. Шу сабаб врачлик касбидан ихлосим қайтди. Қолаверса, қарздан қутулиш, кўпроқ пул топиш мақсадида ўз ишимизни ташлаб, савдо-сотиққа ўтиб кетдик...

Аслида савдогарлиқ врачликдан ёки врачлик савдогарликдан яхшироқ касб дейишнинг ўзи нотўғри. Кексаларимиз «ҳунарнинг ҳунардан устун жойи йўқ, ким бўлишингдан қатъи назар элга фойданг тегса бас» деб кўп уқтиришади. Лекин ҳамма ҳам бу

Масалан, врачлар шифо изламаб келганларни даволашдан кўра, уларнинг кўпроқ пулини олишга ҳаракат қилиши мумкин. Буни эса ҳар қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Ёки ўқитувчининг мақсади ўқувчининг яхши инсон бўлиб етишишини таъминлаш эмас, балки ота-онасининг пулини шилиш, номига дарс ўтиб маошни олиб юриш бўлса бу касбга хиёнатдан бошқа нарса эмас.

Айнан шундай жараён коррупция ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатларни келтириб чиқаради. Натижада одамларда баъзи касблар ҳақида янглиш фикр шакилланади.

Шаҳар ёшлар иттифоқи ташкилотини бошқариб юрган вақтларим эди. Институтнинг биринчи курсида ўқийдиган бир таниш йигитчани кўчада учратиб қолдим.

— Қаерда ишлаяпсиз, Абдурахмон ака?

— Ҳа энди, жамоат ташкилоти бор-ку, ёшларники...—чайналдим мен.

— Ёшлар Иттифоқи эмасми? «Тушум» борми? — бош бармоғини кўрсаттич бармоғига ишқалаб ишора қилди у.

— Қанақа тушум?— ўзимни гўлликка солдим мен.

— Қўйсангизчи, ҳозир ким қуруқ ойликка ишлайди? Сизга ҳам «узатиб» туришса керак?

— Ўзинг-чи, нима деб ўйлайсан?

— Мен масалан, «тушум» йўқ жойда умуман ишламасдим...

Бу йигитчанинг фикрини индивидуал ҳодиса деб қараш нотўғри бўлади. Назаримда бугун кўпгина ёшлар мана шундай хато фикрлар билан «заҳарланишган». Бундайлар ҳали институтда ўқиб юрганларидаёқ, бўлажак касблари ортидан енгил пул топишни ўйлашади.

Эҳтимол, айрим соҳаларда олий маълумотли кадрларнинг етишмаслиги ҳам шундан бўлса керак. Вақоланки, мамлакатимизда кадрларни тайёрлаш масаласи юксак даражада йўлга қўйилган. Лекин институтларни битирган ёшларда касбга фидойилик каби фазилатни шакллантириш бироз сусайганга ўхшайди. Ҳатто педагог мутахассислигини эгаллаган ёшлар ҳам мактабларга бориб ишлашни хоҳлашмайди.

Улар кўпроқ оз меҳнат эвазига тез ва кўп пул топса бўладиган иш билан шуғулланишни маъқул кўришади. Лекин бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Шундан кейин эса кўпчилик ўзини бозорга ёки нолегал савдо-сотиққа уриб кетади. Фикрим қуруқ бўлмасин, келинг бир мисол келтирай. Яқинда бир киракаш ҳайдовчи билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг айтишича, ўзи мелиорация ва ирригация бўйича мутахассис экан. Олий маълумотли бўлса-да, киракашлик билан шуғулланишни лозим топибди. Сабабини сўрасам, «ҳар кунги ёзиш-чизишлар, очиғи ишимдан зерикдим. Ўша ерда тўланадиган пулни киракашлик қилиб ҳам топаяпман» деб қўйди.

Кўриниб турибдики, одамлар, аниқроғи ёшлар орасида касб танлаш ҳақидаги қарашлар кескин ўзгариб кетган.

Ёшларнинг касб танлашида пулнинг асосий кўрсаткич бўлиши касбни тўғри танлашга ҳалақит берибгина қолмай, балки охир оқибат танланган соҳада ҳеч нарсага эришолмаслигига олиб келиши тайин. Энг асосийси, ҳар қандай касбни эгаллаш учун олий маълумотга эга бўлиш кераклигини фарзандларимиз доим билишлари керак. Ўқимишли, олий маълумотли бўлишга интилишни сусайтириб юбормаслик биз катталарнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз шарт.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Huquq» мухбири

Инсоннинг бахти касбидами?

Ўтган йили хизмат сафари билан Фарғона водийсида бўлгандим. Сафар тугаб Марғилондан Тошкентга қайтадиган бўлдим. «Питак»да «Нексия» ҳайдовчиси билан манзилгача йўл ҳақини келишдик. Марғилонлик 55-60 ёшлардаги оқ рўмол ўраган онахон ҳам биз билан Тошкентгача кетадиган бўлди. Йўлга чиқар пайтимиз:

— Болаларим, сизлардан илтимосим бор. Уйимга бирров кириб ўтсак, озгина юким бор эди, — деди минг бир истиҳола билан онахон.

— Қолганлар рози бўлса гап йўқ, — деди ҳайдовчи бизга ишора қилиб.

— Бирровга бўлса, майли, — дедик биз ҳам.

Кўп ўтмай «Нексия» дарвозаси очиқ қўшқаватли уйнинг ёнида тўхтади.

— Ичкарига ҳайданг, жоним ўғлим, — деди онахон.

Ичкаридан ёши олтмишлардан ошган, оппоқ соқолли отахон қўлида тасбеҳ билан чиқиб келди. Саломаликдан сўнг, у киши бизни чойга таклиф қилди. Бу орада икки йигит оқ матога ўралган маҳсиларни «Нексия»нинг юкхонасига жойлаштиришди. Сўнг биз йўлга чиқдик.

— Икки ўғил, икки қизим бор, — деди онахон йўлга тушганимиздан сўнг. — Ўғилларимнинг иккови ҳам уйли-жойли. Икковининг ҳам «Нексия»си бор. Тушгача мактабда дарс беради. Сўнг бизнинг ҳовлига келиб отасининг ёнида маҳси тикишади. Маҳсиларни Марғилон ва Тошкенттдан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистонда ҳам сотамиз, — деди у ғурурланиб. — Катта қизим Тошкентда яшайди. Касби врач. У ҳам бизга маҳсулотларни сотишда ёрдам беради.

— Ҳунари бор инсон хор бўлмайди, — деди ҳайдовчи ҳам гапга қўшилиб.

— Бошқа жойларни билмадим-у, — деди онахон, — ҳунари бўлмаган, бирон касбнинг этагини тутмаган йигитга бизнинг маҳаллада қиз бермайди. Бугун уйланиб олиб, эртасига рўзғорини тебрата олмайдиган йигитга ким ҳам қизини берарди, дейсиз?!

— Мабодо, сизнинг қизингиз ҳали бирон-бир касбнинг этагини тутмаган йигитни ёқтириб қолса-чи? — сўрайман онахондан ҳазиллашиб.

— Кичиккизим Андижонда дўхтирлик институтини битирганди. Ўзи билан бирга ўқийдиган курсдошидан совчи келди. Отаси бўлғуси куёвнинг ҳунари, касб-кори кимлиги билан қизикди. Куёв томон ҳам бўш келмай:

— Қизингиз айтмадими? Бўлғуси куёвингиз олий маълумотли дўхтир, — деди.

Шунда отамиз «дўхтирликдан ҳайдалса нима иш қилади», деса бўладими? Меҳмонлар ҳам бироз ранжигандай бўлди.

— Дўхтирлик яхши касб. Ҳамманинг иши тушади. Гап бу касбни пухта эгаллашда, —деди ҳамроҳларимиздан бири.

— Касбнинг ҳам, ҳунарнинг ҳам ёмони бўлмайди. Фақат уни хор қиладиган одамлар бўлади. Ичкилик ичиб, бемаза йўлга юрган йигитни Оллоҳ ҳам кўлламайди. Касбига меҳр қўймаган одамнинг ишида барака, рўзғорида тўкинлик бўлмайди, — деди онахон.

Суҳбатимиз қизиб водийдан довон ошиб пойтахтга кириб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Биринчи бўлиб онахонни Чорсу бозори яқинида яшовчи қизининг уйига тушириб кетдик. Онахон бизни узоқ дуо қилди.

— Касби корларингизга, умр-жонларингизга барака берсин!

* * *

Маҳалламизда ветеринария фанлари номзоди Толиб ака деган киши яшайди. Тўй-маъракаларда учрашиб қолсак, гапни у киши «турмуш оғир бўлиб кетди, маош етмайди», дея дийдиё қилишдан бошлайди. Яқинда маҳалла чойхонасидан чиқиб келаётсак, дўкон томондан Толиб ака кўриниб қолди. Улфатларга ҳазиллашиб, тайёр бўлиб турингланг, ҳозир Толиб ака нолишни бошлайди дедим. Айтганимдек бўлди.

— Кеча Қўйлиқ бозорига бордим. Ҳамма нарсанинг нархи осмонда. Картошкага яқинлашиб бўлмайди. Мева-чевани қўяверинг. Бананнинг килосини сўрасам сотувчи 5 минг сўм деса бўладими, — деди Толиб ака худди биз сўраётгандек.

— Дунёнинг нариги бурчагида етиштириладиган бананни Ўзбекистонга олиб келишнинг ўзи бўладими? — деди биз билан келаётган унинг тенгқури Мирвосил ака. — Сизга килосини 100 сўмдан берсинми энди?

— Мирвосилбой, дурустроқ касбни танламаган эканмиз-да. Яхшироқ касбнинг этагини тутганимизда яхши яшармидик.

— Мен бу инсон билан 15 йил бирга илмий-текшириш институтида ишладим. Амал-тақал қилиб номзодлик ишини ҳимоя қилиб олди. Лекин унинг ҳаётдан мамнун қунини кўрмадим. Собиқ Иттифоқ даврида ҳам шундай эди, — деди Мирвосил ака Толиб ака биздан узоқлашгач. — Ҳозир ҳам шундай. Касбидан нолийди.

Суҳбат жараёнида Мирвосил акадан доимо шукур қилиши, ҳеч қачон ҳаётидан нолимаслик сабабини сўрадик.

— Ука, нолийвериш Оллоҳга ҳам хуш келмайди. Киши бирон-бир касбнинг этагини тутдими, бўлди. Шу касбга меҳр қўйиши, уни ўз меҳнати, изланиши билан такомиллаштириши, гуллатиши керак. Шундагина ҳар кимнинг ризқини Оллоҳ бутун қилади, — деди.

Яқинда Чорсу бозорига тушдим. У ерда Толиб акани учратиб қолдим. Телпак сотаётган экан. Мени кўриб бироз ноқулай ҳолатга тушди. Сўнг одатдагидай турмушдан нолишга ўтди. Толиб акани кўнглини кўтарган бўлиб:

— Ҳозир ҳамма бизнес билан шуғулланяпти. Ишингиздан хижолат бўлманг, ака. Бунинг ёмон жойи йўқ, — дедим.

Дунёда касб ва ҳунарлар кўп. Уларнинг ёмони йўқ. Касбини пухта эгаллай олмайдиган инсонлар бўлиши мумкин. Бундай инсон ҳаётда ҳам, жамоасида ҳам ўз ўрнига эга бўлолмайди.

Ёшларнинг қандай касб ва ҳунарни эгаллаши учун ота-оналар уларнинг иқтидори ва қизиқишларини инобатга олишлари керак. Инсон умрининг ярмини яшаб қўйгач, нотўғри касб ёки ҳунарни танлагани учун афсус чекиши ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам қимматга тушиши мумкин. Танлган касби ва ҳунаридан барака топмаган инсон аввало ўзидан камчилик излаши керак, менимча. Марғилонлик онахон айтганидек, касби коримизга, умр-жонимизга Оллоҳ барака берсин!

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Huquq» мухбири

— Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистон оламшумул эврилиш жараёнини бошдан кечирди. Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат ҳаётимизни, балки дунёқарашимиз, тафаккуримизни ҳам ўзгартириб юборди. «Ҳамма нарса инсон учун» дейилган, бир вақтлар фақат шиорлардагина қотиб қолган фикрлар бугун ҳаётимиз, фаолиятимиз тамойили, иш мезонимизга айланди дейди, — Бухоро вилоят прокуратураси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлими бошлиғи Ҳалим ЎРИНОВ биз билан суҳбатда.

Меҳнат инсонни улуғлайди

— Ислоҳотлар моҳиятан инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кўзлайди. Шундай эмасми?

— Тўғри айтасиз. Яна шуни айтиш мумкинки, қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, уларни фош қилиш, жиноятларнинг олдини олишда аввало, малакали тергов қилишнинг аҳамияти катта. Шу боис Президентимиз ташаббуслари билан тергов сифатига алоҳида эътибор қаратиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди. Прокурор-тергов ходимларининг касб малакасини ва билим савиясини ошириш борасида Бухоро вилоят прокуратураси ҳузурида ташкил қилинган махсус криминалистик техника ва илмий-техника воситалари билан жиҳозланган ўқув марказида доимий равишда тергов ва қонунчилик соҳасидаги долзарб масалалар юзасидан ўқув-амалий машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бўлим томонидан қонун устуворлигини таъминлаш борасида муайян тартибда олиб борилаётган фаолиятимизда самарадорлик яққол кўзга ташланмоқда.

2007 йилда вилоят прокуратураси органлари терговчилари томонидан жами 1072 та жиноят ишлари иш юритувга қабул қилинган. Шундан 837 таси 1223 нафар айбланувчига нисбатан суд муҳокамасига кўриб чиқиш учун юборилган. Айтиш жоизки, жиноят ишларининг тергови натижаси бўйича фуқароларга, хўжалик юритувчи субъектларга ва давлат манфаатларига етказилган зарарни ундириш масаласи тергов органларининг асосий мақсадларидан бири.

2006 йилда моддий зарарни ундириш 76 фоизни ташкил қилган эди. 2007 йилда жиноятлар оқибатида етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва ундириш фоизи бир мунча яхшиланди. Судга юборилган 851 та жиноят ишлари бўйича аниқланган 6 млрд. 267 млн. 405 сўмлик зарардан 5 млрд. 331 млн. 536 сўми ёки 85 фоизи тергов жараёнида ундирилиши таъминланган.

— Ҳалим Саидович, мамлакатимиз Президентининг «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини табриклаш тўғрисида»ги Фармонига биноан тақдирланганлар орасида сизнинг ҳам борлигингизни кўриб, жуда хурсанд бўлдик.

— Юртбошимиз бир маърузаларида «...прокурор халқ хизматкори» деган эдилар. Халққа хизмат қилиш, эл-юрт ташвишига шерик бўлиш, миллат юкига елка тутишнинг ўзи шарафдир. Менга берилган «Содиқ хизматлари учун» медали бутун жамоанинг мукофоти, прокуратура органлари ходимлари меҳнатларининг эътирофи деб биламан.

Қолаверса, меҳнат инсонни улуғлайди дейишади. Мени табриклашганда кўз ўнгимда 9 нафар фарзандини ҳалол меҳнати билан оқ ювиб, оқ тараган, фарзандларимиз ўқимишли бўлса эди дея орзу қилган, оддий ишчи бўлса-да, қалби буюк инсон отам, бағри дарё, меҳри уммон раҳматли волидам, биринчи ўқитувчим кўз ўнгимдан бир-бир ўтади.

Тизимда илк фаолиятимни бошлаган кезларимда касб маҳоратини ўргатиб, устозлик қилган Ф.Маҳмудов, Ў.Султоновлар ҳам бугунги қувончимга шерик бўлишига том маънода ҳақлидирлар.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Ватанга, миллатга, касбга содиқлик бахти ҳамроҳингиз бўлсин!

Суҳбатдош:
Моҳира ШАКАРОВА

Қариси бор уйнинг...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки бу куни улар янада қадрланади, эъзозланади. Республика Бош прокуратурасида шундай тадбир 5 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Ўтган йили 7-8 май кунлари ўтказилган тадбирга ҳам ҳудудлардан 41 нафар ва марказий маҳкамадан нафақага чиққан 48 нафар фахрийлар таклиф қилинди. Фахрийлар Бош прокурор Рашитжон Қодиров ва «Нуроний» жамғармаси раиси Эркин Боқибоевлар билан учрашишди. Шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Тадбир сўнгтида фахрийлар Бош прокуратура ошхонасида бир пиёла чой баҳона ўтган дамларини эслашди.

Ҳудди шундай тадбир 2007 йил 28 декабрда ҳам ўтказилди. Кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиромдан фахрийлар мамнун бўлиб, раҳбариятга миннатдорчилик билдиришди. Албатта, бундай байрам тантаналарининг замирида юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт, ҳукуматимизнинг одил сиёсати ётганлигини унутмаслигимиз керак.

2007 йилда фахрийлар моддий жиҳатдан ҳам яхши қўллаб-қувватланди. Улар нафақат байрамларда рағбатлантирилди, балки моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризаларига биноан ҳам ижтимоий ҳимоя қилиб келинди. «Huquq» газетаси ва Бош прокуратура касаба уюшмаси томонидан 2 млн. 630 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, фахрийлар «Huquq» газетасига бепул обуна қилинди.

Ижтимоий ҳимоя йилида фахрийларнинг соғлиғига алоҳида эътибор бериш, зарур ҳолларда шифо масканларида даволанишига ҳам доимий эътибор қаратилди. Шунга мувофиқ, 2007 йилда 61 нафар фахрий касалхона ва санаторийларда даволаниб, дам олишди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган йилда прокуратура фахрийларига ҳар томонлама ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда ҳам бундай хайрли ишлар давом эттирилиб, ҳеч бир фахрий эътибордан четда қолмайди. Ёшлар йилида прокуратура органларида хизмат қилаётган ёш мутахассисларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш, ўз ишини мукаммал ўрганиши учун узоқ йиллик меҳнат тажрибасига эга фахрийлар хизматидан унумли фойдаланиш, улар билан давра суҳбатлари, ўқув машғулотлари ўтказиш режаланштирилди.

Ботир КАЛОНОВ,
Республика Бош прокуратураси фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Маъмурий жавобгарлик белгиланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Турли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишида транспорт воситасини бошқариш пайтида ҳайдовчининг диққатни чалғитадиган ҳаракатлар қилиши, жумладан, монитор орқали теле-, видеодастурларни томоша қилиши ҳам асосий сабаблардан бўлмоқда. Шу маънода, Кодексга киритилган ушбу ўзгартишлар турли йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ҳамда йўловчиларнинг ҳаёти ва саломатлиги муҳофазасига хизмат қилади.

Юқорида номи тилга олинган қонуннинг учинчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 179-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унга кўра аудиторнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида ўзи аниқлаган бухгалтерия ҳисобини юритишга, шунингдек молиявий ҳисобот тузишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши, худди шунингдек аудиторнинг била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хулосасини тузиши энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш жазосини назарда тутувчи маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Бизнинг вазифамиз эса ёшларни элитар адабиётни ўқишга ўргатишдир. Бунинг энг осон йўли енгил мутолаа орқали элитар адабиётга олиб киришдир. Китобга, мутолаага ўргатиш эса эртақдан бошланади. Эътибор берган бўлсангиз, эртакларнинг муҳим жиҳати шуки, уларда фақат эзгулик ғолиб чиқади. Қаҳрамонлар эса доимо ҳаракатда бўлади.

Худди шу нарса болада инсоний туйғуларни камол топтиради. Унда кейинчалик бошқа жанрдаги асарларни мутолаа қилишга қизиқиш уйғотади.

Ёшлар — миллат келажаги, истиқлолимиз эгалари. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши фарзандларимизнинг ўқимишли, маънавиятли, қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси қай даражада сингдирилишига боғлиқ. Айниқса, аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этадиган бизнинг республикамизда ёш авлод таълим-тарбияси, китобга ошна тутиниш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, фаранг олими Эдуард Лабуле таъкидлаганидек, «Тараққиётнинг умумий қўламида ҳар бир миллатнинг ўрни ўша миллат ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади».

Норбўта ҒОЗИЕВ

Ноқобил фарзанд

у эгри ўсган терак мисолидир

Ҳаётда ширин-шакар фарзандлар кўриш, келгусида уларнинг камолини кўриб яшаш ҳар бир инсоннинг, ота-онанинг энг улуғ орзуси саналади. Бу орзуга етишиш учун эса шунга яраша ҳаракат қилиш лозим. Яъни ота-оналар зиммаларидаги энг асосий ва масъулиятли вазифа — фарзанд тарбияси, уни илмли ёки ҳунарли қилиб ўстиришга жиддий ёндошишлари шарт. Шундагина муродлари ҳосил бўлади.

Соиб ака билан Зулфия опа (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам фарзандлари Ўктамжон туғилганда унинг ўктам йигит бўлишини орзу қилишди-ю, аммо боланинг тарбиясига эътиборсизлик қилишдими ёки кенжатой бўлгани учун ортиқча эркалатиб юборишдими, ҳар ҳолда бош фарзанд 34 ёшида тўртинчи маротаба жиноятга қўл урди.

Кўр кўрни қоронғуда топади, деганларидек ўтган йилнинг бошларида Ўктам ҳамқишлоғи, муқаддам беш марта судланган Алфия исмли қиз билан танишиб қолди. Танишувдан сўнг улар тез-тез учрашиб, ароқхўрлик ва кўнгилхушликқилишарди. Охир-оқибат аҳвол шу даражага бориб етдики, Ўктам Алфияни уйига олиб келди.

— Ҳой, гулдек хотининг, бир-биридан ширин фарзандларинг бўла туриб, нима қиласан бу манжалақини, эсингни йиғсанг-чи, — дея яқинлари уни тўғри йўлга солмоқчи бўлишди. Бироқ Ўктам уларни жеркиб ташлади:

— Сенлар менинг ишимга бурнингни суқма, ким билан қандай яшашни ўзим яхши биламан.

У иккинчи бор судланганда 8 йил «ўтирган» ва анчайин одамийликни унутиб қўйганди. Шунинг учун важоҳатидан қўрқиб, ҳеч ким унга бошқа оғиз очолмади. Хотини Дилноза эса аввалига уч нафар фарзандини ўйлаб, бу хўрликка чидади. Алфия билан бир ҳовлида яшаб юраверди. Лекин Ўктам уни ҳам, фарзандларини ҳам унутиб қўйгандан кейин ортиқ туролмай, онасиникига кетиб қолди.

Шундан кейин Ўктам Алфия билан илгаригидек яшайверди. Дилнозани қайтариб келишни эса ўйлаб ҳам кўрмади. Унинг «ҳунар»ларидан безган ва феълини яхши билган нимга жуда маъқул келди. Шу боис у йўлини ҳам унутиб, хушторига эргашди. Хуллас, Алфия айшу ишратни ўрнига қўйиб, тушлик маҳали уйқусираган ҳолда Ҳафизаникига кириб борди.

— Соҳиба қани, — салом-аликсиз қайнопасидан сўради у, — шаҳарга бориб, суратларни олиб келайлик. Ўктам шундай деб тайинлаганди.

Ҳафиза қарасаки, «келини» бу аҳволда йўлга ярамайди. Шунинг учун яхши гапириб, уни диванга ўтиргизиб қўйди.

— Сиз ётиб дамингизни олинг. Ўктамга «бориб келишди, ҳали суратлар тайёр эмас экан» десам ишонади.

Шундан сўнг Алфия диванга чўзилиб ухлаб қолди. Бу ёқда эса Ўктам унинг йўлига кўз тикиб тўрарди. У кун пешиндан оқшунча кутди. Шунда ҳам Алфиядан дарак бўлавермагач, тоқати-тоқ бўлиб, опасиникига жўнади.

— Алфия келдими, — ҳовлига кириши биланоқ сўради Ўктам.

— Ухлаб ётибди, — ичкарига ишора қилди Хафиза, — шаҳарга боришса, суратлар ҳали тайёр бўлмабди.

Ўктам Алфиянинг тепасига борди-ю, унинг кайфи борлигини дарҳол сезди.

— Бу ифлос яна қаерда ичдийкин?

— Поччангдан қолган озгина ароқ бор эди, ўшани ичди, — Ҳафиза инисининг жаҳлини тушириш учун имкон қадар Алфияни ҳимоя қилиб гапирарди, — қўявер, бироз дамини олсин. Ўзи яқиндагина кириб ётганди.

Аммо Ўктам опасининг ҳайрҳаллашига қарамай, хотинини туртиб уйғотди. Кейин иккалалари дўнғиллашганча чиқиб кетишди.

— Яна нега ичдинг, — уйга етиб келгач, Ўктам Алфияни сўроқ қила бошлади.

У саволига жавоб олишни кутмади. Чунки Алфия кийимларини алмаштираётганда чўнтакларидан 3500 сўм пул ва 2 қути «PINE» сигарети чиқди. Эрталаб чиқиб кетаётганда Ўктам унга бор йўғи 3000 сўм пул берганди, холос. Демак, хотини кўчада яна ким биландир бўлган-у, пул ҳамда сигаретларни ўшанинг эвазига қўлга киритган.

Алфиянинг хиёнатини англаган Ўктам вахший махлуққа айланди. Оқибатда уни аёвсиз уриб, тепкилай бошлади. Бундан қониқмади шекилли, бироздан кейин жон-жаҳди билан бўйнидан бўғишга тушди.

— Ҳушидан кетди, — дея ўзини ишонтирди у Алфиянинг кўз қорачиқлари юқорига тортиб қолганда. Лекин афсуски, у ана шу пайтда жон таслим қилганди.

Алфия тонг отгунча ҳам қимирламагандан кейин Ўктам унинг ўлганини сезди. Сезди-ю, қилган ишидан қўрқиб, азойи бадани музлаб кетди. Энди унинг хаёлини фақат мурддадан қутулиш, жиноятини яшириш фикри эгаллади. Шу хусусда ўйлаб, кун бўйи уйдан чиқмади. Охири шом қоронғусида томорқасининг четидан каттагина чуқур қазиди. Сўнг марҳумани ўша ерга олиб борди-да, кўмиб ташлади.

Шундан кейин у тонг отгунча ухлай олмай, кун ёришганда кўзи илинди. Бир маҳал кўча эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетди.

— Ким у? — юраги така-пука бўлиб сўради Ўктам.

— Мен профилактика инспектори Мансурман.

Қотил устидан муздек сув қуйиб юборгандек бир зум қотиб қолди.

— Сизга нима керак? — деди у сал ўзига келгач, эшикни очаркан.

— Сиз билан профилактика суҳбати ўтказишимиз лозим, шунга келгандим.

Инспектор ҳовлига киргач, Ўктам бор гапни оқизмай-томизмай унга гапириб берди. Алфияни кўмган жойини ҳам кўрсатди.

Буни қарангки, тергов жараёнида Ўктамнинг яна бир оғир жинояти фош этилди. Яъни, унинг уйини кўздан кечириш пайтида 3,3 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси ҳам топилди.

Жиноят қонунчилигининг энг асосий ва ягона талаби — каттами-кичикми ҳар қандай жиноятга жазонинг муқаррарлигидир. Бинобарин, Ўктам Камолов ҳам жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Агар эътибор берган бўлсангиз, юқорида Ўктамнинг тўртинчи маротаба жиноятга қўл урганини таъкидлаб ўтгандик. Яъни бундан 16 йил муқаддам, эндигина 19 ёшга тўлган маҳали биринчи марта жиноят содир этган. Ўшанда у Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жазодан озод қилинганди. Лекин унинг ўзи тугул ота-онаси ҳам бу бағрикенгликнинг қадрига етишмади. Оқибатда айни лоқайдлик беш йил ўтиб яна «мева» берди. Тўғри, бу орада Камоловлар ўғилларини «уйланса босилиб қолар» дея бошини иккита қилиб қўйишди. Бироқ бу гал Ўктам янада жиддийроқ жиноят содир этиб, 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ҳукуматимиз эса уни яна бир бор сийлагани туфайли 2005 йилда ўталмаган жазоси енгилроғи билан алмаштирилди. Аммо шунда ҳам кўзи очилмаган «қаҳрамон»имиз биргина ўтган 2007 йилнинг ўзида икки марта суднинг қора курсисига ўтирди.

Мазкур жиноят иши билан танишиш жараёнида бир ривоят ёдимизга тушди. Бир киши бозордан 10 туп терак кўчатларини олиб келиб боғига ўтқазибди. Вақт ўтган сари тераклар кўкка бўй чўза бошлабди. Бироқ улардан бири эгри ўсибди. Орадан маълум муддат ўтиб ҳалиги киши иморат қуриш мақсадида тераклар-ни кесибди. Бироқ уста уларнинг 9 тасини тўсинликка, эгри ўсган теракни эса эшикнинг остонасига ишлатибди. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарбия кўрмаган ноқобил фарзанд ҳам худди эгри терак сингари ён-атрофдагиларнинг оёғи остида қолиши шубҳасиз.

Масаланинг яна бир аянчли томони шуки, энди Ўктамнинг бир эмас уч нафар фарзанди ота мехридан мосуво бўлиб улғаяди. Фарзанд учун эса бундан ортиқ бахтсизлик бўлмаса керак.

Жўрабек ХЎЖАХОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

МАНМАНСИРАШНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТИ

«Ёш боламидим, нега мени тергайверади? Нега хўжайинчилик қилади? Ёнидан сарфлаб қўйиб беряптими? Ўзимнинг пулимга ичяпман. Ўттиз учга кирсамам ақл ўргатади. Пиянисти, деган ном чиқарибман. «Алкашнинг акаси» деган маломатлар туфайли маҳаллада бошини кўтариб юролмайдиган бўп қопти. Кимнинг неча пуллик иши бор мен билан?»

Бозор дарвозаси ёнида нон сотиб ўтирган Дониёр акасининг кечаги дашномларини эслаб, яна кўнгли сархушликни тусади. «Хохлаганимни қиламан. Хўжайин эмассан. Менда ҳам иззат-нафс бор. Тағин бошимни оғритадиган бўлсанг, мендан ўпкалама!»

У саватдаги охирги нонни сотганидан кейин битта ароқ олди. Улфатлари ҳам этакларини қоқишган, сўнгги пайтларда ёлғиз ўзи ичадиган бўлиб қолганди. Шиша билан ҳасратлашарди. Ичиб олганидан кейин дунё кўзига тор кўринибмиш, ўзини қўйгани жой тополмас, бири икки бўлмаётгани, иши юришиб кетмаётганининг аламини оиласидан олар, икки ёш болаларини чирқиратиб хотинини ҳақоратларди. Акаси Улуғбек ҳай бола, биронта дурустроқ ишни этагидан тут, топганингни ичиб тугатмасдан рўзғорингнинг кам-кўстини тўғрила, деб яхшиликка бошламоқчи бўлгани учун кўзига бало-қазодай кўринибмиш. Гоҳи гоҳида, эс-ҳуши жойидалигида «обрўйини тўкмасин, умри зое ўтмасин, дея менга ачинаётгандир, гаплари ўринлидир», деган ўйни ўзидан нари қувар, тағин кайфу сафога бериларди. «Нечтасини кўряпсан, яхшиликка оббормайди ичкиликбозлик» деган насиҳатларига тескари йўл тутиб, шу орқали ўзича атрофидагиларга «мен»лигини намоён этаётгандай, тасдиқлаётгандай эди.

Ҳовлида, уйида ҳеч ким йўқ. Кечқурун хотини Нурхон эртага аллақандай маросим куни, ота-онасининг уйига бормоқчилигини айтганди. Шишанинг оғзини очиб, пиёлани тўлдириб олди. Шиша бўшаганидан кейин ўзича бирон нарса пиширмоқчи бўлди. Лекин ёзнинг иссиқ, дим ҳавосида баттар кайфи ошди. Боши айланиб, кўзи тиниб, қўлини кесиб олишига бир баҳя қолди. Кўчага чиқиб, эшиклари ёнида ўтирганида укаси Ойбек кўринди.

— Юринг, бу аҳволда ўтирманг!

— Бошим айланяпти... Тоза ҳаво... Энди сен қолувдинг менга оталик қиладиган!

— Пичоқни нима қиласиз, беринг менга!

— Насиҳатгўйларнинг суробини тўғрилаб қўяман.

Ойбек унинг ҳозир гап уқмаслигини сезиб, индамай ёнига ўтирди. Бироз вақт ўтиб, Улуғбек ўртоғи Умиджон билан келди. У қурилишда ишларди.

— Томоша кўрсатмай, уйга кир, — деди у Дониёрнинг яна мастлигини кўрган заҳоти. Ойбек ўрнидан туриб ичкарига кириб кетди.

— Хўжайинчилик қилма! — Дониёрнинг жаҳли чиқди.

— Қачон одам бўласан? — Улуғбек яна укасини тергашга тушди.

Бироқ Дониёр гап қайтариб алжирайверди. Жанжал авж олаётганини кўрган Умиджон ҳовлига кириб борди.

— Ойбек, юринг, акаларизи ажратиб қўяйлик.

Улар кўчага чиққанларида Улуғбек биқинини чангаллаб турганди. Нима бўлганини сўрашга улгуришмади. У бирданига гурсиллаб ерга йиқилди. Иккаласи ёнига чўкиб, уни юзтубан ётқизганларида шим-кўйлаги қон эди.

Қонни кўргандан кейин Дониёр бирданига ҳушёр тортиб, қўшнининг ҳовлисига югурди.

— Телефон қилинглар! Дўхтир чақиринглар!

— Тинчликми, нима бўлди?

— Акамни пичоқлаб қўйдим!

Дониёр ўз оёғи билан Хўжаобод туман ИИБ биносига кириб борди. Нима бўлганини узуқ-юлуқ айтиб бошини чангаллади.

«Ўлиб қолмасин ишқилиб!».

Улуғбекни туман касалхонасидан дарҳол Андижонга жўнатишди. Бироқ дастлабки тез ёрдамга қарамай, кўп қон йўқотган Улуғбек ҳаётдан кўз юмди.

Судда Дониёр Мамажонов қилмишидан пушаймон бўлиб, айбига тўлиқ иқрор бўлди. «Акам менга яхшилик қилмоқчи бўлиб, ичкиликбозликдан қайтаришга кўп уринди. Тўғри гапнинг тўқмоғи бор деганларидай, унинг насиҳатлари оғир ботиб, ёмон кўриб қолибман. Ўзимни билмайдиган даражада мастликда шу ишни қилиб қўйдим».

Мастлик жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Шунинг учун суд уни ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Ичкиликбозлик оқибатида ука ўз акасининг қотилига айланди. Катта бир хонадон бошига оғир мусибат тушди. Бу иллатнинг олдини олиш учун аввало хонадонларнинг катталари ибрат кўрсатишлари лозим. Тўймаросимлар спиртли ичимликларсиз ўтказилса, ёшлар фойдали, хусусан, турли спорт машғулотлари билан банд этилса, турли жиноятларнинг олди олинган бўлурди.

Акром МАМАДАЛИЕВ,
Хўжаобод туман прокурори

ВАЗИРЛИКДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА

Парагвай таълим вазири Бланка Овелар мамлакат президентлигига номзоди қўйилган биринчи аёл кишидир. Парагвайдаги ҳукмрон партияси томонидан номзоди илгари сурилган Овелар дастлабки сайловларда асосий рақиби мамлакат вице-президенти Луис Кастильоне устидан ғалаба қозонди. Лекин Кастильоне таслим бўлмоқчи эмас. У судга мурожаат этиб, дастлабки сайловлар натижаларини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқчи. Кастильоненинг айтишича, унинг фойдасига тўлдирилган 30 мингта сайлов бюллетенлари ўғирлаб кетилган.

Расмий маълумотларга қараганда, Овелар кичик устунлик билан ғалабани қўлга киритган. Дастлабки сайловларда вице-президент учун 44,5 фоиз сайловчи овоз берган, таълим вазири эса 45,04 фоиз овоз тўплаган. Ўзининг сайловолди дастурида Бланка Овелар асосий урғуни қашшоқликка қарши кураш ҳамда янги ишчи ўринларни яратишга қаратган.

20 апрелда ўтажак президентлик сайловларида Овеларга икки киши: Парагвайнинг ҳинду аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланаётган, ўзининг сўл қарашлари билан танилган собиқ католик руҳонийси Фернандо Луго ҳамда ҳарбий тўнтаришни амалга оширмоқчи бўлгани учун қамоқда ўтириб чиққан, ўтмишда Парагвай армияси қўмондони бўлган Сезар Лино Овейдо рақиблик қиладилар. Голиб президентлик курсида Никанор Дуантни алмаштиради. Таъкидлаш жоизки, Дуантнинг партияси мана 47 йилдан бери мамлакатни бошқариб келмоқда, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.

Мавқеини мустаҳкамлаш йўлида

Италия бош вазири Романо Проди ўз партиясининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Ўтган куни Проди ўз ҳукуматига ишонч масаласини Сенатда овозга қўйди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги. Маълумки, Италия собиқ адлия вазири Клементе Мастеллонинг «Европа учун демократлар иттифоқи» партияси Проди коалициядан чиқиб кетганидан сўнг, коалициянинг Сенатдаги мавқеи бир мунча заифлашди.

Эслатиб ўтамиз, катта шов-шувга сабаб бўлган коррупцион жанжал натижасида «Европа учун демократлар иттифоқи» партиясининг Кампания вилоятидаги бир нечта аъзолари ҳибсга олинган, Мастеллонинг турмуш ўртоғи эса уй қамоғига олинганди. Мазкур ўзгаришлардан норози бўлган Мастелло юз берган воқеаларнинг барчаси унга ва унинг издошларига қаратилган туҳмат ва ғиғо деб баҳолаб, январь ойининг ўрталарида ўз истеъфосини эълон қилган. Таъкидлаш жоизки, Италияда сўнгги бир неча йил давомида коррупция ва мафияга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Ҳукуматдаги бир қатор мансабдор шахслар, жумладан, Италия собиқ бош вазири Сильвио Берлускони ҳам коррупция ва мафияга алоқадорликда айбланганди. Ҳозирги кунда ҳам аксарият мансабдорлар устидан юқоридаги айбловлар билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Наркотик тарғиботчиси

Венесуэла мухолифатчилари мамлакат Президенти Уго Чавесни наркотикларни тарғиб қилишда айблаб, токсикологик тестдан ўтишини талаб қилишди. Бундай талаблар Чавес жаноблари наркотик хусусиятга эга коко дарахти барглларини чайнашни яхши кўриши тўғрисида гапирганидан сўнг бошланди. Венесуэла раҳбарининг айтишича, коко барглари унга қўшимча қувват бераркан. Аввалроқ, Чавес ҳар куни эрталаб коко барглларини чайнашини таъкидлаб ўтганди. Коко дарахти барглари нафақат фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида ишлатилади, балки кучли наркотик хусусиятга эга кокаин моддасини ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади, деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги.

ЖАЛЛОД КИМ?



АҚШнинг Миссури штатида ўлимга маҳкум этилган беш нафар жиноятчининг адвокатлари ҳукуматга мурожаат этиб, қатлни амалга оширадиган шахслар исм-шарифини уларга ошкор этишни талаб қилишди, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги.

Гап шундаки, маҳаллий газетада чоп этилган мақолада ўлимга маҳкум этилганлар устидан қатлни амалга оширадиган шахслардан бирининг исм-шарифи кўрсатилади. Мақолада айтилишича, у аввал судланган бўлиб, кейинчалик қандайдир номаълум тарзда қатл ижрочиси сифатида ишга қабул қилинган экан. Бир неча йил аввал заҳарли иньекция орқали қатл этиш жараёнида қатнашадиган шифокор — дислексия, яъни ҳарф ўқий олмаслик касаллигига чалинганлиги аниқланган. Бу ҳолат катта шов-шув чиқишига сабаб бўлган. Газетадаги ахборот қатл ижрочилари шахсини ошкор этиш маън этилишига қарамай берилган. Ўз навбатида штат ҳукумати газета маъмуриятини судга беришга қарор қилди. Ўлимга маҳкум этилганлар адвокатларининг таъкидлашича, штат ҳукумати қатлни ижро этиш учун бундай ишларни бажара олмайдиган шахсларни ишга олишмоқда.

Муҳими барқарорлик

Яқин Шарқдаги вазият тобора кескин тус олмоқда. Исроил ҳукуматининг ўз шаҳарлари Фаластин ҳудудидан ракета зарбаларига тутилганлигига жавобан барча блокпостларни ёпиб қўйгани Ғазо секторидаги аҳоли аҳволини янада оғирлаштирди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳудудга Исроил ҳукумати катта миқдорда иқтисодий ёрдам беради. Ўтган куни Ғазо сектори ҳамда Миср ўртасидаги чегара постларида нохуш ҳолатлар юз берди. Вужудга келган вазиятдан асаби таранглашган аҳоли чегара ҳудудидаги деворнинг беш жойидан бузиб, Мисрга кириб олишган. Ҳозирда Фаластин ҳамда Исроил ҳукуматлари ўртасида Ғазо секторидаги вазиятни юмшатиш борасида кўптомонлама музокаралар олиб борилмоқда.

Эски байроқ керакмас

Ироқ парламенти қўпчилик овоз билан эски давлат байроғидан воз кечди. Шу йўл билан Ироқ парламентарийлари Саддам Ҳусайн даври билан боғлиқ барча алоқаларни узмоқчи эканликларини билдирдилар.

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур қонун лойиҳаси учун парламентдаги 165 депутатдан 110 таси қўл кўтарди. Байроқдан беш қиррали учта яшил юлдуз олиб ташланади. Улар ҳозирда тарқатиб юборилган, Саддам Ҳусайн томонидан бошқарилган «БААС» партиясининг учта мақсади: бирлик, озодлик ва социализмни ифодалаган. Шунингдек, байроқлаги Саддам Ҳусайн дастҳатига тақлид қилиб ёзилган «Оллоҳ буюк» сўзлари ҳам қайтадан ёзилади. Янги байроқ тўғрисидаги қонун бир йил ичида ишлаб чиқилиши керак.

Виждонли қотил

Россиянинг Ростов вилоятида ёлғон детекторини алдашга муваффақ бўлган, ўз эрини ўлдирган қотил аёл судланди. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Родионово-Несветайск туманида яшовчи Наталья Байкина (исмлар ўзгартирилган) суд томонидан етти йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Байкина 2006 йилнинг 3 июн куни маст ҳолдаги эрини болға билан боши ва танасининг бошқа жойларига уриб ўлдирган. Жасадни шолчага ўраб, ўрмонга кўмиб келган. Шундан сўнг у милицияга бориб, эри нотаниш одамлар билан кетганча қайтиб келмаганини айтган. Қизиғи шундаки, аёлдан шубҳа қилган тергов гуруҳи аъзолари уни ёлғон детектори ёрдамида сўроққа тутишган. Бироқ, уддабурон қотил мосламани алдаб, милицияни ўз сўзларига ишонтира олган. Кейинчалик эса виждон азобидан қийналган жиноятчи ўз ҳоҳиши билан қотиллик жиноятини содир этганлигини бўйнига олган. Статистик маълумотларга кўра, ёлғон детекторини 100 одамдан иккитаси алдай олади. Улар махсус тайёргарликдан ўтган махсус хизмат ходимларидир. Лекин амалиётдан маълумки, кучли ҳис-ҳаяжонда ўз қилмиши оқибатини тўла англай олмаган ва бошқаларни ҳам ўз қарашлари, фикри ва ниятига ишонтиришга ҳаракат қилган шахслар ёлғон детектори синовидан ўтиши мумкин. Чунки мазкур мослама инсон миясининг ўта импульсли тўлқинларини илғай олмайди. Детектор йиллар мобайнидаги кузатишлар натижасида жамланган хулосалар асосида ишлайди.

ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ

Халқаро олтиликка кирувчи Россия, Хитой, АҚШ, Буюкбритания, Франция ва Германия Эрон ядро дастури бўйича БМТ хавфсизлик кенгашининг янги резолюцияси лойиҳасини келишиб олдилар, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги. Берлинда мазкур давлатлар ташқи ишлар вазирлари иштирокида бўлиб ўтган учрашув натижасига кўра айни шу келишувга келинди. Ҳозирча янги ҳужжат матни хусусида аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ, учрашув делегацияси аъзосининг айтишича, янги резолюцияда расмий Техронга қарши киритилган жазо чоралари янада оғирлаштирилиб, санкциялар қаторига бир нечта янгилари ҳам киритилган.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги вақтда Эрон ядро дастури жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. Айрим давлатлар, жумладан, АҚШ ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари Эронга нисбатан комплекс иқтисодий ва савдо жазо чораларини қўллашни илгари суришганди. Бироқ, Россия ва Хитой жазо чораларига қарши чиқиб, музокаралар йўлини таклиф қилишган. Расмий Техрон эса барча айбловларни рад этиб, ҳар бир давлатнинг тинчлик ва ривожланиш йўлида ишлатиладиган ядро тизимига эга бўлиш ҳуқуқи мавжудлигини эътироф этмоқда.

ДИКТАТОРНИНГ «ALFA ROMEO»СИ

Қачонлардир Бенито Муссолинига тегишли бўлган «Alfa Romeo» русумли спорт автомашинаси кимошди савдосига қўйилди. «The Times» нашрида ёзилишича, буюк депрессия вақтида «Alfa Romeo» компаниясини касоддан сақлаб қолганлиги учун 1935 йилда автоконцерн томонидан миннатдорчилик сифатида италян диктаторига совға қилинган автомашина 800 минг фунт (1,55 миллион АҚШ доллари)га сотилиши мумкин. Икки ўриндиқлик «Alfa Romeo 6C 2300 Pescara Spyder» атайлаб Муссолини учун йиғилган бўлиб, «H&H Classic Auctions» аукцион уйи ходими ғапига қараганда жуда антиқа экземплярдир. Машина заводдан чиқарилганидан буён Италия ҳудудини тарк этмаган ва мана деярли 70 йилдан сўнг Англияга кимошдига олиб келинган. Таъкидлаш жоизки, «Alfa Romeo» концерни бу русумдаги автомобиллардан атиги 60 дона чиқарган, холос. Кимошди савдосига ходимларининг айтишича, мазкур автомашинага бўлган қизиқиш кун сайин эмас, балки соат сайин ошмоқда. Жаҳондаги деярли барча автомобил коллекционерлари Муссолининнинг «тойчоғи» билан қизиқишаяпти.

Ким ҳақ?

Озарбайжон суди «Бизнинг йўл» газетаси мухбири Мушвиг Гусейновни пора олганликда айбдор деб топиб, олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилди, деб хабар қилади «Тренд» ахборот агентлиги. Мушвиг Гусейнов 2007 йилнинг июль ойида махсус хизмат ходимлари томонидан ҳибсга олинганди. Прокуратура органи вакилининг сўзига қараганда, Гусейнов Озарбайжон меҳнат вазирлиги аппаратининг раҳбари Ривзан Алиевдан бир неча минг доллар миқдорида пул талаб қилиб, акс ҳолда Алиев тўғрисида салбий материал чоп этмоқчилигини билдирган. «Бизнинг йўл» мухбири «Бўри дарвозаси» ресторанни олдида, айнан пора олаётган вақтда ҳибсга олинган. Бироқ, тергов ҳамда суд жараёнида мухбир унга нисбатан қўйилган барча айбловларни инкор этди. Унинг адвокати Вугар Хасиевнинг таъкидлашича, барча айбловлар, ҳаттоки суд ҳукми ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас, фактлардан ҳоли қуруқ гап. Ўз вақтида сиёсатга алоқадор бир қатор мақолалари билан танилган Мушвиг Гусейнов, шунингдек, Озарбайжон ҳукуматидаги аксарият мансабдорлар фаолиятига доир материаллар билан ҳам газета саҳифаларида фаол қатнашиб туради.

Хавф бартараф этилади



Швецияда Оскархамн атом электр станциясининг реакторларидан бирида юз берган носозлик сабаб реактор фаолияти тўхтатилган. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, носозлик реактор клапани ишини назорат қилувчи компьютер тизимида аниқланган. Оскархамн атом электр станциясини бошқарувчи «OKG» компанияси вакили Андерс Остербергнинг айтишича, тез орада носозлик бартараф этилиб, станция яна аввалги қувватда иш бошлайди. Мутахассисларнинг ғапига қараганда, оммавий ахборот воситаларида шов-шувга сабаб бўлган радиация зарари хусусида ҳеч қандай ғап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Компьютердаги носозлик реактордан радиоактив моддаларнинг тарқалишига сабаб бўладиган хавф туғдирмаган, ҳозирги носозлик ҳар доим атом электр станциялар фаолиятида учраб турадиган ҳолат, холос. Оскархамн атом электр станцияси мамлакат пойтахти Стокгольмдан 250 километр узоқликда жойлашган бўлиб, мазкур станция Швецияда энг эскисидир.

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади

АЁЛ ИЗИ

Сафар КАТТАБОЕВ

Навбатчилик тугашига атиги йигирма минут вақт қолди. Стол устидаги қоғозларни йиғиштириб, сейфга соларсам бўлар. Кечаси бир кишининг тўртинчи қаватдан тушиб кетганини ҳисобга олмаганда, навбатчилик деярли тинч ўтди. Энди бемалол уйга бориб чой ичиш, бироз дам олиб, яна ишга қайтиб келиш мумкин бўлади. Мана, йўлакдан бугунги навбатчиликни қабул қиладиган терговчининг ҳам овози эшитилаяпти.

Доимо шовқин солиб гапирадиган ҳамкасбим хонага кириб келди ва ҳар галгидек баланд овозда «аввало, ассалому алайкум, кейин навбатчиликдан гапиринг, тинч ўтдими, ахир!» каби саволларини бера бошлади.

Ҳали сўрашиб улгурмасимиздан, гўё бизнинг бу суҳбатимизни кутиб тургандек бирдан телефон жиринглади.

Бир қўлимда ҳамкасбим билан саломлаша туриб, иккинчи қўлим билан телефон гўшагини кўтараман. Яшин тезлигида хаёлимдан ўтади. Эҳтимол навбатчи милиционердир, кечаги воқеа тасодифми ёки бирон жиноят аломати борми деб сўраётгандир, ахир, улар текшириш натижасини вилоят ички ишлар бошқармасига айтиши керак, эҳтимол телефон қилаётган биронта танишдир?

Йўқ, ҳеч қандай таниш эмас. Навбатчи милиция зобитининг ҳар доимгидек сергак ва бироз ташвишли овози.

— «Субҳидам» меҳмонхонасининг орқасидаги ахлатхонадан бир аёлнинг жасади топилибди. Ҳозиргина участковой телефон қилди. Тезкор гуруҳни сизга жўнатаверайми? Навбатчилик тугади деб кечаги эксперт-криминалист беш минут олдин йўлнинг нариги томонига, чой ичишга ўтиб кетганди. Боравергингизлар, орқаларингиздан уни ҳам, судмедэкспертни ҳам топиб тезда жўнатаман.

Ана холос! Бироз асабийлашиб сўрайман.

— Ҳали навбатчилик тугамасдан чой ичишга бало борми? Бироз ўтириб тур демайсизми? Қанақа жасад, эҳтимол биронта дайди ўлиб қолгандир?

— Билмадим, ғужанак бўлиб ётибди деди. Участковойларни биласизку, кўрган-у, бу прокуратурага таалуқли деб бирданига телефонга ёпишган. Совуқ тушаяпти, айтганингиздек «БОМЖ» («без определенного места жительства» — яшаш жойининг тайини йўқ. Таъкид муаллифники)ларнинг совуқдан ўладиган пайти ҳам бўлаяпти. Ахлатхонадан топилди деяпти-ку!

— Бўпти, тезкор гуруҳни юборавергинг, эҳтимол мен чиқарман воқеа жойига, эҳтимол бугунги навбатчи чиқар.

Ҳали гапимни тугатмасдан ҳамкасбим бир девордаги соатга, бир қўл телефонидаги соатга ишорақилиб, «ўзим чиқаман дейверинг, ўзим» деб имо-ишора қила бошлайди.

Телефон гўшагини қўйиб, бу воқеани «сотиш»га ҳаракат қиламан.

— Ишонсангиз, кечаси билан ухлаган эмасман. Битта касофат тўртинчи қаватдан тушиб кетган, касалхонада, ҳали ўзига келгани йўқ. Ёнида биронта ҳам ҳужжати йўқ. Кимлиги ҳам номаълум. Тириккўладими йўқми, бу ҳам номаълум. Борган жойи фоҳишахона экан, на фоҳишалар бор, на унинг шериклари, ҳаммаси тумтарақай қочиб кетган. Қўшнилари эса бу хонада ҳар куни кечаси шовқин-сурон бўлади, карвонсаройдай гап, эътибор қилганимиз йўқ, биров итариб юбордими ёки ўзи маст бўлиб йиқилиб тушдими, билмаймиз дейишаяпти.

Аммо ҳамкасбим ҳам анойи эмас.

— Ҳали навбатчилигингиз тугашига нақд ўн икки ярим минут бор. Бу вақт ичида космик кемаларни айтмайлик, лекин замонавий машина билан биласизми қаергача борса бўлади?

— Тўғри, лекин ҳали милициядан тезкор гуруҳ келаман, ҳали жўнаймиз дегунимизча соат 9 бўлади. Қарабсизки, сизнинг навбатчилигингиз бошланади. Бирданига ҳозирдан шуғуллана қолсангиз-чи, ахир бор-йўғи битта воқеа, айрим кунлари навбатчи топилмай қолганда, неча марта чиқиб келганман, шу жумладан сизнинг ўрнингизга ҳам!

Одатда ҳамкасблар ўртасида бўладиган, айни навбатчилик тугашига бир неча сония қолганда бўладиган воқеалар билан ким шуғулланади деган, ўзаро тортишув.

Ҳазил-ҳузул гаплар билан ўзаро келишамиз. Агарда биронта дайди ўз ажали билан ўлиб қолган бўлса-ю, жиноят аломати кўринмаса, расмийлаштириш билан ҳамкасбим шуғулланади. Мен эса ўша жойдан тўғри уйга кетавераман. Агарда жиддийроқ воқеа бўлса, албатта мен.

Милиция навбатчилик қисмининг «Дамас»ига ўтиришимиз билан эксперт-криминалист ҳам ҳаллослаганча етиб келди:

— Ҳали бир пиёла чой ичишга ҳам улгурмагандим, навбатчи милиционер машинада одам жўнатибди, ишқилиб тинчлик эканми?

Мана, шаҳардаги эски меҳмонхоналардан бири. Унинг олд томони анча фасон қилинган, ялтир-йултир, аммо орқа томонидан ҳар нарсани топса бўлади. Бир томонда қандайдир «бизнесмен» икки қаватлик бозорми, савдо дўконими қураяпти. Иккинчи томони шундайгина кўча ёйма бозорига яқин. Қурилиш материаллари-ю, бозордан улоқтириб ташланган қоғоз қутилар, ҳар хил чиқиндилар уюлиб ётибди.

Одамлар юраверишдан йўлак қилиб олган эгри-бўгри йўл четида эса бир аёл кишининг ғужанак бўлиб ётган жасади кўринади. Атрофида ҳар доимгидек томошабинлар.

Бизни кўриш билан участка вакили баланд овозда одамларни четлаштира бошлайди ва ўзича воқеа тафсилоти ҳақида пала-партиш ахборот беради.

— Кимлиги ҳам, қачон келиб ётгани ҳам, қачон ўлиб қолгани ҳам номаълум. Шу ерда бир киши ярталаб бозорга нарсаларини кўтариб ўтаётиб кўриб қолибди. Аввал биронта дайди ётгандир деб ўйлабди. Чунки устига жун чойшаб ярим ёпилган, лекин оёқ кийими ҳам, бош кийими ҳам кўринмайди.

Эксперт-криминалист обдон фотосуратга тушургунча жасадга яқин келмасдан қараб турамиз. Чунки тартиб шундай, кейин яқинроқ келиб, қизғиш-яшил рангли чойшабни кўтариб участковойга танбеҳ берамиз.

— Нега қачон келиб ётгани номаълум дейсиз? Оёғи боғланганку?!

Жасадни ағдарамиз, қўллари ҳам боғланган. Ана холос! Кийими ва башарасидан ҳеч қандай дайди эмаслиги яққол кўриниб турибди. Қўл тирноқлари тугул, оёқ тирноқларигача бўялган. Қош-у кўзларини-ку айтмай кўя қолинг. Мана сизга «дайди»!

Ҳамкасбим мени секин туртади.

— Нақд ўзингиз шуғулланадиган воқеага ўхшайди. Ҳалиям биронта дайди бўлса керак деб ишониб келавермабман ҳам. Барибир ўзингизни чақирардим. Мавҳум ҳолатларда содир қилинган қотиллик эканлиги кўриниб турибди. Ўзингиз расмийлаштиришни бошлайверинг. Менга нима топшириқ берсангиз бажаравераман. Бошқа терговчиларни ҳам ёрдамга чақирайми?

— Йўқ, ҳозирча керак эмас. Сиз жиноят қидирув ходимлари билан аёлнинг ким эканлигини аниқлашга киришинг. Яқин атрофлардаги уйларни суриштиринг. Ўзим расмийлаштираман.

> **!!!** *«Ёшлик телбаликнинг бир тури, аёллар эса шайтоннинг тузоғидир».*
>
> *(Ҳикматдан)*

Чунки, бошқа йўл ҳам йўқ. Навбатчилик навбатчиликда. Аллақачон соат 9 дан ошиб кетган бўлса ҳам, бу ҳақдаги хабар айнан менинг навбатчилигимда келиб тушди. Тезда бу хаёлларни калламдан қувиб, ҳодиса жойини кўздан кечиришни бошлайман.

Эътиборимни қўл ва оёқларнинг пала-партиш, уқувсизларча боғланиши тортади. Нега бундай боғланган? Қора ингичка телефон сими бир неча марта оёқ ва қўлларидан боғланган, шу сим бўйнидан ҳам ўтказилган. Симнинг бир томони чойшабнинг устидан ҳам ўтказилган. Аввал оёқ қўллари боғланиб, кейин жасад чойшабга ўралиб, яна шу сим билан чойшаб устидан ҳам бир неча бор айлантирилгани кўриниб турибди. Жасадни йўқотиш учун ниҳоятда шошилиб ҳаракат қилингани аниқ.

Аллақачон етиб келган судмедэкспертга савол бераман.

— Нима билан ўлдирилган, нега баданида жароҳат йўқ, қон излари ҳам кўринмайди?

Эксперт елка қисади ва дейди:

— Билмадим? Сиз ўз ишингизни тугатинг, кейин мен шуғулланаман. Ҳозирча кўринадиган жароҳат—юзидаги тирноқ излари.

Диққат билан қарар эканман экспертга савол бераман:

—Нега айнан тирноқ изи деяпсиз? Эҳтимол бошқа издир, эҳтимол йиқилишдан олгандир?

— Менимча, ундай эмас. Йиқилмаган. Бешта ўткир бармоқнинг изига ўхшайди. Жойлашиш ўрни, босилиши, механизми. Менимча бақирмасин деб оғзини қаттиқ ёпган бўлса керак, янаям ким билади. Агар рухсат берсангиз қўл ва оёқларини ечиб, яхшироқ қарайлик...

Боғланган тугунни ўрганиш учун уни сақлаб кесиб олишга ҳожат йўқ. Пала-партиш ўралгани кўриниб турибди. Симни кесиб олишга рухсат бераман. Кийимлари устма-уст, тўғри кийилган, йиртилган жойлари йўқ. Демак кийимини ечишга ҳаракат қилинмаган. Номусга тегишга ўхшамайди.

Талончиликми? Эҳтимол! Чунки қўл ва қулоқларида, бўйнида биронта ҳам тақинчоқ йўқ. Бундай кийинадиган аёлда биронта ҳам тақинчоқ бўлмаслиги мумкин эмас. Ечиб олингани кўриниб турибди. Аҳа, мана сийнабанд ичидан бир дона тилла занжир ҳалқаси топилди. Демак бўйнидаги тилло занжир зарб билан узиб олинганда битта ҳалқаси тушиб қолган. Бундай аёлларда қўлида сумкачаси ҳам бўлиши керак эди. У ҳам йўқ!

Тушунарли. Биринчи тергов тахмини туғилди. Талончилик мақсадида ўлдирилган!

Хўш, иккинчи тахмин-чи? Албатта, бу қотиллиқда аёл киши қатнашган. Нега? Чунки аёллар одатда агрессив ҳолатда бўлганда бир-бирига мушт билан эмас, бармоқлари билан чангаллаб ҳужум қилади. Худди мушукларга ўхшаб. Шунинг учун ҳам марҳуманинг юзида айнан тирноқ излари қолган. Албатта бу изларни қолдирган аёлнинг ҳам тирноқлари узун бўлган. Демак, қандайдир идорада ишлайди ёки савдо ходими.

Қолаверса, ипнинг пала-партиш боғланиши ҳам аёлларга хос. Унча қаттиқ боғланмаган, ўраб ташланаверган. Битта аёл бу ишни қилолмайди, унинг ёнида албатта эркак бўлган. Эркак эса, унинг таниши. Чунки бундай ишга фақат ишончли киши билан олдиндан тил бириктириб қўл уриш мумкин.

Аммо улар ким, нега ўлдиришган? Қачон ва қаерда, қандай қилиб? Саноқсиз саволлар. Бу саволларга эса марҳуманинг кимлигини аниқламасдан туриб, жавоб топиб бўлмайди.

Хаёлимни шаҳар милицияси одоб ва ахлоқ масалалари билан шуғулланадиган бўлим бошлиғи бўлган капитан бузади.

— Ўртоқ бошлиқ! Мурдани яна орқаси билан ётқизишсин, экспертга айтинг. Юзини мана бу фоҳишаларга кўрсатайлик. Расман ҳисобда турадиган ва турмайдиган фоҳишаларнинг биронтасига ҳам ўхшамайди. Ўзимизнинг шаҳарлик фоҳишаларнинг ҳаммасини қоронғуда ҳам танийман. Ҳозир яқин атрофдаги барча фоҳишаларни олиб келиб кўрсатаяпмиз, улар ҳам танимаяпти.

Шу ерга олиб келинган, аммо кўрқаман деб мурдага қарагиси келмаётган фоҳишага қараб капитан бақиради:

—Мен сенга яқинроқ кел деяпман. Сени ҳам бир куни худди шундай ўлдириб кетади, кўриб қўй. Қара!

Ёшгина фоҳиша мурданинг юзини кўриб, холсизларча бош чайқайди:

—Танимадим!

Капитан унга яна бақиради:

— Кийимига қара! Сизларда шунақа кийиниш мода бўлганми ёки йўқми?

Яна тез-тез фикрлайман. Бу ерга машина кела олмайди, машина юриши мумкин бўлган йўлдан анча узоқ, демак кўтариб олиб келишган. Умуман бу қотилликда машина ишлатилдимикин? Агар қотилнинг машинаси бўлса, бошқа кўзга кўринмайдиган четроқ жойга олиб бориб ташлаган бўларди. Эҳтимол, мана шу яқин атрофдаги кўп қаватли уйларнинг бирида ўлдирилгандир. Кейин эса чиқариб ташланган!

(Давоми келгуси сонда).

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 56. 26710 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 22.00 1 2 3 4 5 6 7 8